

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 18 июнь, № 128 (7630) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


**Бугун пандемияга қарши курашишда ҳушёрлик ва масъулиятни ўн карра оширадиган янги босқич бошланмоқда, десак, тўғри бўлади. Қанчалик қийин бўлмасин, бу босқичда карантин қоидаларига қатъий амал қилишимиз шарт. Ҳар бир ишимизни эҳтиёткорлик билан, оқибатини пухта ўйлаб, нафақат ўзимиз, балки оиламиз ва фарзандларимиз олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этиб бажаришимиз керак. Акс ҳолда, барча саъй-ҳаракатларимиз йўққа чиқиши ҳеч гап эмас.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Акс садо

# ГЛОБАЛ СИНОВНИ ҲУШЁРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК БИЛАН ЕНГАМИЗ

**Донишманд адибларимиздан бири “Бўрону довулдан ҳам, селу тошқиндан ҳам хавфли иллат, бу — беғам-бепарволикдир”, деб бежиз айтмаган. Чунки лоқайдлик ва бепарволик барча даврда ҳам турли кўнгилсизликларнинг асосий сабаби ҳисобланган. Сирасини айтганда, бир қарашда бундан ҳеч кимга зарар етмаётгандай. Бироқ...**

Маълумотларга кўра, дунёда коронавирусдан касалланганлар сони **8** миллиондан ошиб кетди, инфекция юқтирган **435 000** киши вафот этди. Энди шу йилнинг 17 июнь ҳолатига кўра, МДҲ давлатлари орасида коронавирус билан боғлиқ вазиятга эътибор беринг: умумий зарарланганлар сони — **702 533** нафар, вафот этганлар эса **9 543** нафар. Мазкур ҳолат кўплаб мамлакатларни, хусусан, Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаган коронавирус пандемияси даврида халқимиздан янада ҳушёрлик ва масъулиятни талаб этяпти.





Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



Юртимизда пандемияга қарши курашиш тадбирлари қатъий давом эттирилмоқда. Аммо шунга қарамай, коронавирус касаллигига чалинганлар сони ошиб бораётгани, энг ёмони, аҳоли ўртасида ҳам ушбу ҳолат рўй бераётгани кишини ташвишга солмай қўймайди.

Шу йилнинг 16 июнь куни Президентимиз раислигида бўлиб ўтган хизмат кўрсатиш ва ички туризм соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида ана шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Карантин қоидаларига қатъий риоя этиш, корхона ва ташкилотлар, бозор ҳамда савдо мажмуаларида дезинфекция ишлари ҳамда санитария назоратини янада кучайтириш, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатувчи, улар билан бевосита мулоқотда бўладиган барча муассаса ходимларини коронавирус бўйича мунтазам тестдан ўтказиб бориш муҳимлиги ҳақида тўхталиб, бу борада аниқ тавсия ва кўрсатмалар берди.

Жумладан, йиғилишда биргина Тошкент шаҳрида сўнгги икки ҳафтада касалланган **551 нафар** фуқародан **482 таси** айнан аҳоли орасидан аниқлангани, **57** ҳолатда вирусни юқтириш манбаи номаълум қолаётгани афсусланарли эканлиги, шунингдек, Тошкент, Навоий ҳамда Қашқадарё вилоятларида ҳам шундай хавотирли ҳолат кузатилаётгани таъкидланди.

*Хўш, бундай мураккаб вазиятда ишни қандай ташкил этиш лозим? Нима учун аҳоли орасида ушбу касалликка чалинаётганлар сони ортиб кетяпти? Видеоселектор йиғилишида кўтарилган долзарб масалалар хусусида жамоатчилик вакиллари фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.*

**Нурмат ОТАБЕКОВ,**
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиғи:**

— Коронавирус инфекцияси бугун ҳам одамларни таҳлика ва хавотирда ушлаб турибди. Ўз вақтида ва самарали чора-тадбирлар қўлланилганига қарамай, Ўзбекистонда ҳали ҳам вазият мураккаблигича қолмоқда.

Шу боис давлатимиз раҳбари йиғилиш аввалида коронавирус билан боғлиқ вазиятга тўхталиб, охирги пайтда юртимизда бу касалликка чалинганлар сони ошгани, энг ёмони, бундай ҳолат аҳоли ўртасида ҳам кўплаб учраётганига эътибор қаратди.

Бугун пандемияга қарши курашишда ҳушёрлик ва масъулиятни ўн карра оширадиган янги босқич бошланди. Зеро, Республика махсус комиссиясининг қарори билан ҳудудлар “қизил”, “сариқ” ва “яшил” тоифаларга ажратилган ҳолда, карантин чекловлари шароитида қурилиш, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш объектлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг фаолият юритишига рухсат берилди. Ҳудудлараро авиа ва темир йўл транспорти қатновлари йўлга қўйилди. Қолаверса, “сариқ” ва “яшил” ҳудудларда автобуслар ҳам ҳаракатланмоқда. Буларнинг барчаси бизни ҳушёрликка чақириши керак.

Бундай пайтда фаолият кўрсатаётган ташкилотлар ходимлари, албатта, дока ниқобда бўлиши шарт. Нима учун айнан ниқобда? Сабаби сўнгги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ниқоблардан тўғри фойдаланилса, улар зарарланишга қарши самарали ҳимоя бўлиши мумкин.

Умумий овқатланиш муассасаларида масъулият янада юқори. Ушбу масканларда мутасаддилар нафақат хизмат кўрсатувчи шахсларнинг қўлқоп ва дока ниқобда бўлишини, балки мижозларининг ҳам оралиқ масофа сақлашга риоя этишини назорат қилиши лозим. Ҳар бир мижоздан кейин стол усти ва атрофи дезинфекция воситалари билан ишлов берилиши шарт.

Умуман, ҳозирги кунда бутун инсоният тақдири ҳар биримизга боғлиқ эканини ёддан чиқармаслигимиз зарур. Шундай экан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари томонидан тавсия этилган карантин талабларини биров мажбурлагани учунгина эмас, балки онгли равишда бажарсак бунинг самараси янада юқори бўлади.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## НИЗОЛАРНИ МУҚОБИЛ ҲАЛ ЭТИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда давлат органларининг аҳоли билан мулоқотини такомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳада ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи давлат органларида низоларни судгача кўриб чиқишнинг ягона тизимини яратиш, медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитражларни фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ишончига сазовор бўладиган низоларни ҳал этувчи самарали муқобил институтларга айлантириш лозимлигини тақозо этмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, низоларни ҳал қилишнинг муқобил имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, судларда иш ҳажмини мақбуллаштиришда медиация институти, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ролини тубдан ошириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси ва Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида судья тарафлардан келишув битимини тузиш эҳтимолини ёки низони ҳал қилишнинг муқобил усуллари эҳтимолини аниқлайди ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради;

ҳуқуқий жамиятда низони ҳал этишнинг муқобил механизмлари яратилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга эришишнинг самарали воситаси сифатида баҳоланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг **2020 йил 1 августдан** бошлаб **эксперимент тариқасида**:

Давлат божхона қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Наманган, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ҳузурида **Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича апелляция кенгашларини** (кейинги ўринларда — Апелляция кенгаши) ташкил этиш тўғрисидаги;

жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) ёхуд ҳаракатсизлиги натижасида ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилганлиги ҳақидаги мурожаатлари Апелляция кенгаши томонидан кўриб чиқилиши тартибини ўрнатиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилансинки, мазкур тартиб жисмоний ва юридик шахсларнинг бундай ишлар юзасидан тўғридан-тўғри бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқини истисно этмайди.

3. Қуйидагилар Апелляция кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органи ўртасида юзага келадиган низоларни судгача кўриб чиқиш ва хулоса қабул қилиш орқали уларни ҳал этиш чораларини кўриш;

(Давоми 2-бетда).

## ЭСДА ТУТИНГ: ЭҲТИЁТКОРЛИК ЎЗИНГИЗ, ОИЛАНГИЗ ВА ЖАМИЯТ УЧУН ФОЙДАЛИДИР



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# НИЗОЛАРНИ МУҚОБИЛ ҲАЛ ЭТИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

мурожаатни кўриб чиқишда қонун ҳужжатида турлича талқин этилиши мумкин бўлган нормалар аниқланган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда, уларни белгиланган тартибда расмий шарҳлашни ташкиллаштириш бўйича чораларни кўриш;

мурожаатни кўриб чиқишда аниқланган қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш.

4. Белгилансинки:

Апелляция кенгашининг таркиби тегишли давлат органи раҳбарининг қарори билан икки ярим йил муддатга тасдиқланади;

Апелляция кенгаши 7 нафардан 11 нафаргача аъзолардан иборат таркибда тузилиши мумкин;

Апелляция кенгаши аъзолигига амалий тажрибага ва обрў-эътиборга эга давлат органининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимлари, шунингдек, соҳада катта амалий тажриба ёки илмий салоҳиятга эга бўлган обрўли фуқаролар қабул қилинади. Бунда давлат органининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ёки ходимлари ҳисобланмаган Апелляция кенгаши аъзолари жами Кенгаш аъзоларининг бешдан бир қисмидан ошиб кетмаслиги лозим;

Апелляция кенгаши унда кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан тавсиявий тусга эга бўлган хулоса қабул қилади. Апелляция кенгаши томонидан қабул қилинган хулоса уч кун муддатда давлат органи раҳбарига кўриб чиқиш учун, бошқа манфаатдор тарафларга маълумот учун юборилади;

Апелляция кенгашининг хулосасини қабул қилиб олган давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосари уни инобатга олиши ёки ёзма асослантирилган тарзда рад этиши мумкин. Бунда давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосари қабул қилинган қарор тўғрисида уч кун муддатда Апелляция кенгаши ва тарафларни ёзма ёки электрон тарзда хабардор қилади.

5. **Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича апелляция кенгаши тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р. Давлетов, М. Икрамов):

Апелляция кенгаши ташкил этилаётган давлат органларининг бу борадаги фаолиятини доимий равишда мониторинг қилиб борсин ҳамда тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида уларга амалий ва услубий жиҳатдан кўмаклашсин;

2021 йил 1 июлга қадар мазкур қарорнинг 2-бандига асосан жорий этилаётган эксперимент натижаларини кенг қамровли таҳлил қилган ҳолда, **уни кейинчалик бошқа давлат органларида ҳам жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан** Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифлар киритсин.

7. Белгилансинки, қуйидагилар:

низоларни муқобил усулда ҳал этиш билан шуғулланувчи профессионал медиаторларнинг ўзаро бирлашувига асосланган **Медиация маркази**;

профессионал медиаторлар, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ўзаро бирлашувига асосланган **Низоларни муқобил усулда ҳал этиш маркази** нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида ташкил этилиши ва фаолият юритиши мумкин.

8. **Медиация маркази** ва **Низоларни муқобил усулда ҳал этиш марказининг** (кейинги ўринларда — Марказлар) асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

медиация, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитраж фаолиятига низоларни муқобил усулда ҳал этиш тартиб-таомилини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш;

медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж ишларини кўриш билан боғлиқ фаолиятга аралашмаслик принципи асосида иш юритиш;

медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитраж соҳаларида мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқув курсларини ташкил этиш. Бунда медиаторларни тайёрлаш 72 соатдан кўп бўлмаган ўқув курслари бўйича амалга оширилади ва уларни муваффақиятли якунлаган тингловчиларга **сертификат берилади**;

медиация ва низоларни муқобил ҳал этишнинг бошқа усуллари ривожланиши ва кенг оммалашувига кўмаклашиш, бу соҳада семинарлар, тренинглар ва конференциялар ташкил этиш.

9. Белгилансинки, Марказлар:

а) тингловчиларга таълим беришни ташкиллаштириш учун:

шартнома асосида олий таълим муассасаларининг малакали педагогларини, шунингдек, миллий ва хорижий медиатор, ҳакамлик судьялари ва арбитрларни ҳамда вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассисларини жалб этиши мумкин;

етакчи хорижий медиация ва арбитраж марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши, низоларни муқобил усулда ҳал этиш соҳасида тажриба алмашиши, шунингдек, низоларни ҳал этишга хорижий медиаторлар ва арбитрларни жалб этиши мумкин;

б) медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж фаолияти юзасидан адлия органларига ҳисоботлар топширишдан озод этилади;

в) олий маълумотга эга раҳбарни қўшиб ҳисоблаганда камида беш нафар ходимга эга бўлишлари керак.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р. Давлетов, М. Икрамов):

а) профессионал медиаторлар, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражлар ўртасида доимий равишда Марказлар ташкил этилишининг ижобий тарафлари ҳақидаги тарғибот ишларини ва бу борадаги фаолиятни мониторинг қилиб борсин ҳамда ҳар чоракда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин;

б) икки ой муддатда илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб:

медиаторларни тайёрлаш бўйича ўқув курсларининг намунавий дастурини ишлаб чиқсин;

Бош прокуратура билан биргаликда медиация институтининг жиноят процессига татбиқ этилиши мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

11. Тошкент давлат юридик университети ва Юристлар малакасини ошириш марказининг улар муассислигида **Тошкент медиация марказини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р. Давлетов, М. Икрамов) Тошкент давлат юридик университети ва Юристлар малакасини ошириш маркази билан биргаликда **Тошкент медиация маркази** фаолиятини ташкиллаштириш ҳамда 2021 йил 1 январга қадар **Тошкент медиация марказини** жаҳоннинг медиация институти ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, тайёрланган бино ва жиҳозлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Тошкент шаҳрида:

2020 йил 1 июлдан бошлаб, **эксперимент тариқасида,** давлат хизматлари марказлари биноларида низолашувчи фуқароларга медиатор хизматидан фойдаланиш учун алоҳида хоналар ажратсин;

экспериментнинг ижобий натижалари асосида 2021 йил 1 апрелга қадар ушбу амалиётни барча давлат хизматлари марказлари биноларида татбиқ этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифларни киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ой муддатда белгиланган тартибда профессионал медиаторликни касб сифатида Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Олий суди Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда профессионал медиаторлар ва ҳакамлик судлари реестрларига киритилган профессионал медиаторлар ҳамда ҳакамлик суди судьялари тўғрисидаги маълумотларнинг барча суд биноларида жойлаштирилишини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўрсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р. Давлетов, М. Икрамов) доимий равишда:

Олий суд, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси билан биргаликда профессионал медиаторлар, ҳакамлик судьяларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга масъул ходимлар учун низоларни судгача ҳал этиш бўйича илғор тажрибани ривожланган хорижий давлатларда ўрганишни ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида низоларни ҳал этишда медиация, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитраж институтининг афзалликларига бағишланган ижтимоий роликлар, кўрсатув ва эшиттиришларни эфирга узатиш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари эътиборига етказиш чораларини кўрсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб тегишли олий таълим муассасаларида илғор хорижий тажрибалар асосида медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж соҳалари учун низоларни ҳал этишнинг муқобил йўналишларига оид бўлган магистратура мутахассисликларини ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифлар киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари У. Ш. Ташходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 17 июнь

Бунёдкорлик

# БУХОРОДАГИ ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИ

## экологик тоза қурилиш материалларидан барпо этилмоқда



*Бухоро шаҳрида Президент мактаби қурилиши қизғин давом этмоқда. У мамлакатимиз раҳбарининг шу йил 10 январдаги "2020 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида барпо этилаётир.*

Айни пайтда объектда 450 нафар ишчи-ходим карантин қоидаларига риоя этган ҳолда меҳнат қиляпти. Уларнинг овқатланиши учун ажратилган тамаддихоналарда ҳам, олисдан келиб ишловчиларга ажратилган тураржойларда ҳам оралиқ масофани сақлаш, кийимларни дезинфекциялаш каби санитария талаблари эътиборга олинган.

— 168 ўқувчи ўрнига мўлжалланган мазкур мактабнинг бир ва иккинчи қавати ўқув блокидан иборат, — дейди жамият дизайнер-муҳандиси Илҳомжон Муҳаммедов. — Унинг орқа томонида уч қаватли ётоқхона, ошхона, шунингдек, махсус спорт майдони, спорт зали, мўъжаз меҳмонхона қад ростлади. 35 та автоуловга мўлжалланган автотураржой қуриляпти. Ушбу замонавий мактаб экологик тоза қурилиш материалларидан фойдаланиб бунёд этилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Дарҳақиқат, бу ерда Бухоро шаҳарсозлигида илк бор қўлланилаётган камёб технологиялар, қурилиш материалларини кўриш мумкин. Масалан, бинонинг фасад қисмига Туркияда ишлаб чиқарилган серамид қопламалари билан зеб беріляпти. Мутахассисларнинг айтишича, бу қоплама 50 даража совуқда ҳам, иссиқда ҳам ўз хусусиятини йўқотмайди. Иншоот ички қисми девори эса махсус HPL материали билан қопланяпти.

— Бу қоплама ўтда ёнмайди, яъни хавфсиз, қирилмайди, ташқи таъсирга чидамли экологик тоза қурилиш материали саналади, — дейди жиззахлик пайвандловчи Рустам Бердиқулов. — Табиийки, уларни ўрнатиш кишидан маълум бир кўникма талаб қилади. Бизда бундай тажриба етарли. Тошкент шаҳрида бунёд этилган худди шундай мактаб қурилишида ишлаб, касб маҳоратимизни оширганмиз. Биз азал-азалдан илму маърифат бешиги бўлиб келган Бухорои шарифда шундай таълим масканини барпо этишга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Бу ердаги янгича ёндашувлардан яна бири бино йўлаклари, хусусан, спорт зали пол қисмининг антибактериал қурилиш материали билан қопланаётганидир. Бу турли вируслар тарқалишига тўсиқ вазифасини ўтайди. Қолаверса, спортсевар ўғил-қизларнинг машғулотлар чоғида жароҳат олишлари эҳтимолини кескин камайтиради. Билим даргоҳи иситиш тизими эса Туркия технологияси асосида шу давлат мутахассислари иштирокида ўрнатиляпти. Бинокорлар замонавий, шинам, энг сўнгги технологиялар билан жиҳозланган билим даргоҳини янги ўқув йили арафасида фойдаланишга топширишни мўлжаллашмоқда.

Қисқаси, Президент мактабида ёшларнинг замонавий билимларни чуқур эгаллашлари, иқтидорларини тўла рўёбга чиқаришлари, келажакда юрт равнақи йўлида куч-ғайрати, шижоатини аямайдиган фидойи фарзандлар бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароит муҳайё қилиняпти.

**Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).**

Муаллиф олган сурат.

# Мўйноқда янги оромгоҳ болалар ихтиёрига топширилди

*Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барпо этилган "Оқ кема" болалар соғломлаштириш оромгоҳининг очилиш маросими бўлиб ўтди.*

Ғамхўрлик

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ерниязов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қ. Рафиқов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан етук ва юксак интеллектуал салоҳиятли инсонлар бўлиб улғайиши учун замонавий шароит ҳамда имкониятлар яратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Хусусан, мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби кейинги йилларда Мўйноқда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари, ободонлаштириш тадбирлари амалга оширилди. Амфитеатр, футбол стадиони, Ёшлар маркази, болалар мусиқа ва санъат мактаби, сузиш бассейни, спорт заллари, маданият саройи, кутубхона, консерва заводи, текстиль корхонаси, замонавий тураржойлар ва бошқа бир қатор объектлар фойдаланишга топширилди. Орол денгизи тубида саксовул экиш ишлари олиб борилди. Яқин кунларда Мўйноқ аэропорти ишга тушиши кутилмоқда.

Мўйноқнинг "Бозатау" овул фуқаролар йиғини ҳудудида қад ростлаган "Оқ кема" болалар соғломлаштириш маркази ҳам давлатимиз раҳбарининг 2018 йил ноябрь ойида Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича берган топшириғига мувофиқ қуриб битказилди.

— Мавсум давомида 1500 болани соғломлаштиришга мўлжалланган ушбу марказда барча шароит яратилган, — дейди марказ раҳбари Зерхон Сайтбекова. — Жумладан, 250 ўринли ётоқхона, футбол, баскетбол, волейбол майдончалари, сузиш бассейни, кутубхона, амфитеатр, концерт зали, маънавият ва маърифат хонаси, ёзги театр саҳнаси, санъат ва спорт тўгараклари мавжуд. Тиббиёт хоналари, ошхоналар замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Шунингдек, бино атрофи ободонлаштирилиб, 5 гектар ерга 5 мингга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

"Оқ кема" болалар соғломлаштириш оромгоҳига мавсум давомида 4 сменада жами 600 болани соғломлаштириш режалаштирилган. Айни пайтда коронавирус пандемияси туфайли аҳоли, айниқса, болаларнинг санитария-эпидемиологик осойишталиги ҳамда хавфсизлигини таъминлаш мақсадида марказга 150 бола қабул қилинди.

Қад ростлаган муҳташам даргоҳда ўғил-қизларимиз нафақат мароқли дам олади, улар бу ерда жисмонан чиниқади, ўзларининг интеллектуал салоҳиятларини оширади, қизиққан йўналишлари бўйича билим ва кўникмаларини мустаҳкамлайди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ («Халқ сўзи»).**

# ГЛОБАЛ СИНОВНИ ҲУШЁРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК БИЛАН ЕНГАМИЗ

1

**Элмира БОСИТХОНОВА, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси, тиббиёт фанлари доктори:**

— Бугун бутун инсоният синовли даврни бошдан кечиряпти. Коронавирус пандемияси тиббиёт тилида айтганда, ўз геометрик прогрессиясида тарқалиб, одамларни безовта қилмоқда. Афсуски, дунёнинг кўп давлатлари қаторида Ўзбекистонни ҳам бу "бало" четлаб ўтмади. Яратганнинг бундай синовларидан миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳеч ким ва ҳеч бир, ҳатто қудратлиман деган давлатлар ҳам ҳимояланмаган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев куни кеча бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида коронавирус билан боғлиқ вазиятга тўхталар экан, охирги пайтда юртимизда бу касалликка чалинганлар сони ошгани, таассуфланарли жиҳати, бундай ҳолат аҳоли орасида ҳам кўплаб рўй бераётганига эътиборни қаратди. Давлатимиз раҳбари ғоят куюнчаклик билан, ҳар бир фуқаронинг соғлиғи учун жиддий эътибор қаратган ҳолда, пандемияга қарши курашишда ҳушёрлик ва масъулиятни ўн карра оширадиган янги босқич бошланаётганини таъкидлади.

Самимиятга йўғрилган бу даъват бугун дунёда эпидемиологик вазият юмшагандек туюлса-да, аслида унинг қайтиш тўлқини хавфи мавжудлигини исботлаб турибди. Халқимиз англаши керакки, вазият сабабли, ҳатто Маккаи мукаррамага зиёратлар, ҳаёт завқи деб билганимиз тўю томошалар, байрам тадбирлари ҳам чегараланди. Шунинг ўзиёқ хавф кўламини белгилаб беради.

Бироқ давлатимиз раҳбари айтиб ўтганидек, вазият оғирлигини тўлиқ англаб етмасдан тўйларни белгиланган меъёрдан ортиқ даражада ўтказиш ҳолатига йўл қўйилмоқда. Айтайлик, Сурхондарёда бўлган тўйлар ҳақида биринчи ким хабардор бўлиши керак эди? Қайси ташкилот бунга барчасидан кўп масъул эди? Албатта, маҳалла!

Шу ўринда юртимиз аҳолиси, хусусан, аёлларга такроран мурожаат қилишимиз ўринли бўлади. Чунки аёл жасорати, унинг оқилона чоралари, тартиб ва интизом, қоидаларга амал қилиш фазилати, ён-атрофидагиларга меҳрибонлик билан ёндашуви, унинг халқи, оиласи, фарзандлари бошига иш тушганда қатъий ва мустаҳкам қарорлар қабул қила олиши, айниқса, бугунги шароитда қўл келади.

Айни вазиятда янада ҳушёр бўлиш, Президентимиз айтганидек, қанчалик қийин бўлмасин, карантин қоидаларига қатъий амал қилишимиз шарт. Биз оналар, аёллар вирусдан хабарсиз, ўз хаёлида ўйинчоқ ўйнашни, мультфильм кўришни орзу қилиб турган болажонлар, эндигина барқ уриб ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимизнинг келажаги учун ўз куч ва салоҳиятимизни сафарбар қилишимиз шартлигини ёдда тутайлик. Ана шундагина бугунги синовларни енгиб ўтамиз.



**Бахтиёр АБДУЛЛАЖОНОВ, оилавий тадбиркор (Янгиқўрғон тумани):**

— Сайёрамизга чанг солган пандемиядан бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимиз сайёҳлик соҳаси ҳам жиддий зарар кўрди. Жаҳонда шундай оғир, қалтис вазият юзага келган бир шароитда соҳага алоҳида аҳамият берилаётгани туризм ва унга йўлдош тармоқларда кўзга ташланмас бу офат таъсирини юмшатишга хизмат қилаётир.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда коронавирус инфекцияси кенг тарқалишига қарши карантин қоидалари жорий этилганидан бошлаб, туризм ҳамда унга бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Уларга турли имтиёз ва преференциялар қўлланилаётир.

Вилоятимизда бу йўналишларда катта салоҳият мавжуд. Бу, аввало, тарихий обидалар, мириқиб ҳордиқ чиқариш имкониятига эга дилтортар масканлар кўплигидан. Масалан, тоғлар этагида жойлашган бизнинг қишлоғимиз ҳам ажойиб манзараси ва мўътадил иқлими билан кишини ўзига тортади. Кейинги пайтларда бу ерда ички сайёҳлик хизматини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Қишлоғимиздаги дам олиш масканлари ҳамда меҳмон уйлари сони юздан ортиб кетди. Кунлар исиб ёзги ҳордиқ мавсуми бошланиши билан уларнинг кўпчилиги меҳмонларни қабул қилишга шай ҳолга келтирилди. Жумладан, ўтган ҳафтанинг ўзида 17 та меҳмон уйи оилавий корхона, 50 таси якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтди. 36 та субъектга махсус сертификат берилди.

Юртбошимиз раислигида ўтган видеоселекторни оммавий ахборот воситалари орқали диққат билан кузатдим. Унда юртимизнинг ички туризм соҳасидаги имкониятларини жадал ишга солиш зарурлиги таъкидланди.

Биз ҳам хонадонимизни меҳмон кутиш ва кузатишга мослаб, оилавий бизнесимизни йўлга қўйдик. Шу кунларда дастлабки меҳмонларни қабул қилишга киришамиз. Албатта, бунда пандемия шароити талабларидан келиб чиқиб, карантин ва санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилишга жиддий ёндашамиз. Бунга бепарво бўлиш нафақат ўзим, балки оилам ва бошқаларнинг ҳам ҳаётига хавф солиш билан баробар, деб биламан.

Ҳар бир ишимизни эҳтиёткорлик билан, оқибатини пухта ўйлаб бажарсак, ўйлайманки, ушбу синовли кунлар ортда қолади.

**Фаррух БЕКМИРЗАЕВ, хусусий тадбиркор (Қоровулбозор тумани):**

— Халқимизда "Бирники — мингга, мингники — туманга" деган мақол бор. Бунинг маъносини бир кишининг касофати минг одамга, мингники эса ўн минглаб кишиларга тегади, деб тушунилса тўғри бўлади. Назаримда, пандемия моҳиятини бундан кўра, равшанроқ очиб бера оладиган ҳикматни топиш мушкул.

Бир одамнинг карантин қоидаларига амал қилмаслиги, ҳушёрликни унутиши ёки масъулиятсизлиги кўплаб нохушликларга сабаб бўлиши мумкин. Бундан нафақат ўша инсоннинг ўзи, балки оила аъзолари, яқинлари ва ҳатто жамоадошлари ҳам жабрланади. Кейинги пайтда аҳоли орасида коронавирусга чалиниш ҳоллари кўпайгани худди шуни кўрсатяпти. Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган видеоселекторда ушбу масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилгани ҳам бежиз эмас, албатта.

Пандемия шароитида биз, тадбиркорлардан жуда катта масъулият талаб этилмоқда. Ишчи-ходимларнинг бехавотир меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш баробарида, карантин қоидаларига тўлиқ амал қилинаётгани бўйича ҳам назоратни ўрнатишимиз керак, деб ҳисоблайман.

Фаолиятимиз жараёнида масаланинг ана шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратяпмиз. "Сифатли сут маҳсулотлари", "Қоровулбозор Нуробод", "Голден Платиниум дизайн" корхоналарида дезинфекция қилиш, ишчиларнинг ҳароратини ўлчаш, оралиқ масофани сақлаган ҳолда, қўлқоп ва тиббий ниқоб тақиб ишлашларини таъминлаш доимий эътиборимизда. Бундан, аввало, ўзимиз, оила аъзоларимиз манфаатдор.

Карантин қоидаларига қатъий риоя этилса, пандемия шароитида ҳам меҳнат унумдорлиги юқорилигича қолади, аҳоли турмуш даражаси пасаймайди. Бунинг учун фақат ва фақат ҳушёрлик унутилмаса бўлгани.

**Фазлиддин ҒИЁСОВ, "Регистон нон" МЧЖ директори (Самарқанд шаҳри):**

— Давлатимиз раҳбари раислигида ўтказиладиган ҳар бир видеоселектор йиғилишини мунтазам кузатиб, ўзимга вазифалар белгилаб бораман. 16 июнь куни бўлиб ўтган йиғилишда бугун пандемияга қарши курашишда ҳушёрлик ва масъулиятни ўн карра оширадиган давр бошланаётгани, бу босқичда карантин қоидаларига қатъий амал қилишимиз шартлиги, акс ҳолда, барча саъй-ҳаракатлар йўққа чиқиши ҳеч гап эмаслиги қайд этилди. Бу нафақат тадбиркорларни, балки ҳар бир фуқарони янада ҳушёр торттириши керак.

Бугунги кунда биз, тадбиркорларга пандемия даври бўлишига қарамай жуда кўп имтиёз ва имкониятлар бериляптими, демак биз ҳам шунга яраша масъулиятни ҳис этиб фаолият юритишимиз кераклигини бир дам бўлса-да ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Корхонамизда бугунги кунда 50 дан зиёд ишчи-хизматчилар меҳнат қиляпти. Улар ёрдамида ҳар куни шаҳар аҳолиси ва турли муассасалар учун зарур бўлган ўттизга яқин турдаги нон ва нон маҳсулотлари ҳамда ширинликлар тайёрлаб, етказиб беряпмиз. Корхонамиз қошидаги савдо дўкони ҳам аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Фаолиятимизнинг нозиклиги шундаки, биз аҳоли билан тўғридан-тўғри ишлаймиз. Шунинг учун нафақат ишчи-ходимларимиз, балки харидорлардан ҳам карантин меъёрларига қатъий амал қилишни талаб қиламиз. Бунинг учун зарур шароитларни яратганмиз.

Коронавирус касаллигининг ҳануз аҳоли орасидан чиқаётганлигини ҳисобга олсак, ҳали хотиржамликка берилишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Шундай экан, ишимизни ҳушёрликни янада оширган ҳолда давом эттириб, вирусга қарши онгли равишда курашсак, ўйлайманки, юртимиз тез орада бу офатдан бутунлай фориғ бўлади.

**«Халқ сўзи».**

## Олий Мажлис Сенати

# ҚОНУНЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг видеоконференцалоқа шаклидаги мажлислари бўлиб ўтди.*

*Жумладан, Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида "Инновацион фаолият тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни дастлабки тарзда кўриб чиқилди.*

Бу ҳужжат қандай зарурат туфайли ишлаб чиқилгани хусусида сўз юритилар экан, амалдаги қонунчилигимизда инновацион фаолият соҳасидаги муносабатларни, тегишли тушунчаларни, илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш ҳамда муваффақиятли ўзлаштиришни тартибга солувчи ягона қонун мавжуд эмаслиги алоҳида қайд этилди. Шу жиҳатдан бу қонун соҳанинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга, илмий-техник ва инновацион фаолият натижаларини трансфер қилиш, ўзлаштириш ҳамда тижоратлаштиришни фаоллаштиришга хизмат қилади.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида "Фуқароларнинг жамоат тартибини сақлашда иштирок этиши тўғрисида"ги қонун муҳокама марказида бўлди.

Сўзга чиққанлар қайд этганидек, қонунчиликда фуқароларнинг жамоат тартибини сақлашдаги иштирокининг ҳуқуқий асослари мавжуд эмаслиги, юртдошларимизнинг бу жараёнда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ички ишлар органлари ва бошқа тузилмалар билан ҳамкорлиги масалалари тартибга солинмагани ушбу соҳада қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Мазкур ҳужжат ана шу бўшлиқни тўлдиришга йўналтирилганига қарамасдан, унда бир қатор концептуал камчиликлар мавжудлиги ҳам сенаторлар эътиборидан четда қолмади.

Хусусан, фуқароларни жамоат тартибини сақлашга жалб қилишда уларни биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича, ҳуқуқий, жисмоний тайёргарликдан ўтказиш, ҳимоя воситалари билан таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини ўз маблағи ҳисобидан суғурталаш каби мажбуриятлар қонунда ифодаланиши кераклиги айтилди. Шундан келиб чиқиб, уни такомилига етказиш зарурлиги билдирилди.

Мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам муҳокама қилинди. Қонун 4 та моддадан иборат бўлиб, киритилаётган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга йўналтирилгани билан эътиборга молик.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасига йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва соҳага оид қонун ҳужжатлари ижро этилиши ҳолати юзасидан парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида ушбу қўмита аъзоси Жамшид Хўжаевнинг сенаторлик фаолиятига оид ҳисоботи эшитилди. Ўз навбатида, парламент юқори палатаси, Сенат Кенгаши ва қўмита томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги масала ҳам таҳлил қилинди.

Мажлисларда кўрилган масалалар юзасидан қўмиталарнинг қарорлари қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

*Антропоген ва табиий омиллар туфайли сайёрамизда ҳар йили минг-минглаб гектар ерлар чўлга айланмоқда.*

*Бу глобал экологик муаммо инсон саломатлиги ва жамият ривожига жиддий зарар етказаётир. Унинг олдини олиш, ушбу долзарб масалага инсониятнинг эътиборини кенгроқ жалб этиш, экологик муаммога қарши кураш ҳамкорликни кучайтириш мақсадида БМТ томонидан 1994 йилда Чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш бўйича конвенция қабул қилинган.*



# Конвенция талаблари қандай бажарилмоқда?

Дунёнинг икки юзга яқин давлатлари аъзо бўлган ушбу халқаро ҳужжатда қурғоқчил минтақаларда аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва асраш, қурғоқчиликнинг оқибатларини юмшатиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмиталари томонидан Экологик партия фракцияси ҳамда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳамкорлигида 17 июнь — Жаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш кунига бағишлаб ташкил этилган видеоконференцияда шу ҳақда сўз борди.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз бу йўналишда миллий ва минтақавий вазифаларни амалга ошириш билан бир қаторда, халқаро миқёсдаги глобал экологик муаммоларнинг олдини олишга оид тадбирларда ҳам фаол иштирок этмоқда. БМТнинг Чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш бўйича конвенцияси 1995 йилда Ўзбекистон парламенти томонидан ратификация қилинган. Унинг доирасида зиммага олинган мажбуриятларни бажариш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилаётир.

Ҳозирги кунда юртимиз ҳудудининг 70 фоизи ёки 31,4 миллион гектар ер қурғоқчил майдон ҳисобланади. Улар, асосан, табиий шўрланган, кўчма бархан қумлик ва қумликлардан иборат чўл ҳамда иссиқ гармсел шамоллари таъсиридаги ҳудудлардан иборатдир. Орол денгизи сув сатҳининг қуриши туфайли Ўзбекистонда яна қўшимча 3 миллион гектардан ортиқ майдонда Оролқум саҳроси пайдо бўлди. Натижада ушбу ҳудудда экологик муҳит ёмонлашиб, чўлланиш жараёнлари янада кучайди ва кўплаб ижтимоий муаммоларни юзага келтирди.

Тадбирда конвенция доирасида Ўзбекистон томонидан олинган мажбуриятлар юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ижроси кенг муҳокама этилди. Айтиш жоиз, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси мазкур ҳужжат ижроси доирасидаги ишлар бажарилишига масъул орган, деб белгиланган.

Айни чоғда мамлакатимизда соҳада қонунчилик базаси яратилиб, уни такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга эътибор қаратилди. Президентимизнинг 2019 йил 22 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан 2019 — 2023 йилларга мўлжалланган "Йўл харитаси" ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Орол денгизининг қуриган ҳудудида 2019 йилда 501 минг гектарда, 2020 йил баҳорида 703 минг гектар майдонда кўчма қумларни мустаҳкамлаш мақсадида ўрмон барпо этиш тадбирлари ўтказилди.

Қизилқум чўлларига туташ ҳудудлардаги суғориладиган ерларни ҳамда инфратузилмасини қум босишидан сақлаш мақсадида Бухоро шаҳри атрофида 200 минг гектардан ортиқ майдонда "яшил қалқон" яратиш учун саксовулзорлар барпо этиш бўйича ишлар бошланган. "Йўл харитаси" доирасида Навоий вилоятининг Нурота тоғолди ерларидаги очиқ бўш майдонларда 10 минг гектар майдонда писта плантациялари ташкил этиш белгиланган.

Шунингдек, ўрмон фонди ерларидан ташқари қишлоқ хўжалигининг суғориладиган ерлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалиги объектларини қум босишдан ҳимоя қилиш мақсадида иҳота дарахтзорлари барпо этиш ишлари Давлат дастурига киритилган. Дастурга асосан, ўтган йили 2495 гектар ва жорий йилда 2000 гектарга яқин майдонларда иҳота дарахтзорлар барпо этилди.

Видеоконференцияда соҳада олиб борилган ижобий ишлар билан бир қаторда, йўл қўйилган камчилик ва муаммолар ҳам кенг муҳокама этилди. Хусусан, соҳада давлат-хусусий шериклик, иқтисодий рағбатлантириш механизмлари жорий этилмагани жиддий танқид қилинди. Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш, маҳаллий аҳолини чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш ишларига жалб қилиш ҳамда улар хабардорлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Якунда қўмиталарнинг тегишли қўшма қарори қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).**

## Миллий комиссия мажлиси

# ОДАМ САВДОСИ ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР «ЙЎЛ ХАРИТАСИ» ТАСДИҚЛАНДИ

*Кеча Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясининг видеоконференцалоқа тарзида мажлиси бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси раиси Танзила Норбоева бошқарган мажлисда комиссия томонидан амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди. Шу билан бирга, миллий маърузачи томонидан тайёрланган одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида 2019 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан ахборотда илгари сурилган таклифларни амалиётга татбиқ этиш бўйича "Йўл харитаси" лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалаларига оид миллий қонунчилик такомиллаштирилди. Хусусан, 2019 йилнинг ўзида мазкур йўналишлардаги фаолиятни тартибга солиш мақсадида 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Бундан ташқари, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ва Халқаро миграция ташкилотининг 6 та Конвенция ҳамда протоколлари ратификация қилинди. Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйилганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Айни чоғда халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрирда ишлаб чиқилди.

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида профилактик ва ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида 2019 йилда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар 22 фоиз камайганлиги эшитилди. Мажбурий меҳнатга йўл қўйган 259 нафар ҳамда иш ҳақларини ўз вақтида бермаган ва меҳнат шароитлари яратмаган 56 нафар мансабдор шахсга маъмурий жарима қўлланилган.

Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш, уларни реабилитация қилиш ва хориждаги фуқароларимиз манфаатларини ҳимояси масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 2019 йилда 220 нафар одам савдоси жабрдийдаларига Республика реабилитация марказида тиббий, психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг 113 нафари ишга жойлаштирилган. 3 минг 938 нафар фуқаро чет элда иш билан таъминланган, иш ҳақини вақтида ололмаган меҳнат мигрантларининг 530 минг АҚШ долларига яқин иш ҳақлари ундириб берилган.

Бундан ташқари, ХМТ билан ҳамкорликда 2019 йилда пахта йиғим-терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш юзасидан учинчи томон мониторинги, Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан миллий мониторинг ўтказилди. Натижада эса юртимизда пахта йиғим-теримида болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш барҳам берилди.

Мажлисда бу борада амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, ўз ечимини кутаётган айрим муаммоларга ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, бугунги кунда айрим маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг жойлардаги тузилмалари томонидан ходимларни ўз функционал вазифаларига кирмайдиган меҳнат турларига мажбурий жалб қилиш ҳолатлари учрамоқда.

Тадбирда қуйи бўғинда ишлар самарадорлиги сустлиги, ўйланмаган бир ҳаракат оқибатида одамларга зарар етаётгани, бу эса давлат имижига салбий таъсир кўрсатаётгани таъкидланди.

2019 йилда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар 2018 йилдагига нисбатан камайган бўлса-да, бу йўналишда содир этилган умумий жиноятлар орасида чақалоқ савдоси билан боғлиқ жиноятлар юқорилигича қолаётгани ҳам муҳокама марказида бўлди. Масалан, 2018 йилда содир этилган одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг 38 фоизи чақалоқ савдоси билан боғлиқ бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 43 фоизга етган.

Шу билан бирга, одам савдоси билан боғлиқ мурожаатлар ҳал этилишининг қонунийлиги ҳамда ушбу турдаги жиноятларнинг аниқланиши ва судларда кўрилиши, жазо муқаррарлиги тамойили таъминланиши механизми самарали йўлга қўйилмаганлигига урғу берилди. Ўтган йили одам савдоси юзасидан келиб тушган 710 та мурожаатдан бор йўғи 94 та, яъни 13 фоизи бўйича жиноят иши очилган.

Бундан ташқари, мажлисда ушбу "Йўл харитаси" доирасида амалга оширилаётган ишлар атрофлича таҳлил қилинди. Жумладан, истиқболда "Миграция тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, "Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида"ги кодекс лойиҳасини халқаро экспертлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакилларини жалб қилган ҳолда, янада такомиллаштириш, Халқаро меҳнат ташкилотининг 17, 183, 187-сон конвенцияларини ратификация қилиш масаласини кўриб чиқиш режалаштирилган ва мазкур йўналишдаги ишларни кўзда тутилмоқда.

Мажлисда кичик комиссиялар ва ҳудудий комиссияларнинг ҳисоботлари ҳам эшитилди.

Қизғин муҳокамалардан сўнг мазкур "Йўл харитаси" тасдиқланди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»).**

## Халқ вакиллари — ҳудудларда

# Муаммолар очиқ мулоқотда ҳал қилинди

*Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларда бўлиб, ҳозирги мураккаб давр — коронавирус пандемияси шароитида аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш борасида секторлар томонидан амалга оширилаётган ишларни ўрганмоқда.*

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари Актам Ҳаитов бошчилигидаги бир гуруҳ депутатлар ўрганишни Хоразм вилоятининг Гурлан туманидан бошлади.*

Туман ҳокимлигида бўлиб ўтган очиқ мулоқотда гурланлик ёшларнинг муаммолари ўрганилиб, уларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилди.

Хусусан, гурланлик Ғайрат Солиев сартарошхона очиш нияти борлигини айтиб, тижорат банкларидан имтиёзли кредит олишда кўмак сўради. Бу масалани туман ҳокими ўз зиммасига олиб, 3 кун муддатда кредит ажратиш бўйича Халқ банки туман филиали вакилига тегишли топшириқлар берди.

Учрашув чоғида ёшлар тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш, иссиқхона ташкил этиш, паррандачиликни ривожлантириш бўйича кредитлар ажратишда амалий ёрдам сўраб мурожаатлар қилишди. Барча мурожаатлар шу ернинг ўзида тегишли ташкилот раҳбарларига бириктирилиб, қисқа муддатда ижобий ҳал қилинадиган бўлди.

Ишчи гуруҳ аъзолари туман ҳокими, сектор раҳбарлари билан биргаликда ҳудуддаги Нурафшон, Эсабий, Жалойир, Нукус, Дўсимбий ва Оққум маҳаллаларида бўлиб, аҳоли бандлиги ҳамда даромадларини ошириш борасида қилинаётган ишлар билан танишди.

Депутатлар маҳаллама-маҳалла, хонадонма-хонадон юриш давомида аҳоли билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, уларга Президентимиз томонидан қабул қилинган бир қатор Фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришди.

Ишчи гуруҳ аъзолари Нукус маҳалласида яшовчи Бобомурод Авезов хонадонида ҳам бўлишди. Аниқланишича, мазкур хонадонда 6 нафар фуқаро истиқомат қилади. Б. Авезовнинг турмуш ўртоғи М. Тўрамуратова "Хуршида Ортиқжон" фермер хўжалигида, қизи Ш. Турсунбоева эса "Ихлосбек Бунёдбек Бобурбек" ишлаб чиқариш корхонасида фаолият юритади.

Халқ ноиблари хонадон эгалари билан мулоқот қилар экан, мамлакатимизда ҳозирги синовли кунларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш учун барча имконият ишга солинаётганини айтиб, ўз бизнесини бошлаш истагида юрган фуқароларга кўплаб имтиёзлар берилаётганини алоҳида таъкидлашди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Эсабий маҳалласидаги Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Хоразм вилояти илмий тажриба станциясида ҳам бўлиб, уларга деҳқончиликда замонавий технологияларни жорий қилиш, янги навларни яратиш бўйича зарур тавсиялар, маслаҳатлар беришди.

# 150 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланади

*Парламент қуйи палатаси Спикери ўринбосари Наримон Умаров раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ ўрганиш ишларини Нукус туманида олиб борди.*

Халқ вакиллари дастлаб Нукус туманидаги "Қырантаў" овул фуқаролар йиғини (ОФЙ)га қарашли "Шортанбай" элатли пункти ҳудудида яқин кунларда ишга тушиши назарда тутилган "Енгил конструкция сэндвич-панелли тикув комплекси" биносида бўлишди. Ушбу ишлаб чиқариш цехи раҳбари, тадбиркор Тамара Абдуллаева билан суҳбат давомида бу ерда олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Маълум бўлишича, тумандаги хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида жами 1 миллиард 467 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилган ва бугунги кунга келиб, бу қурилиш ишларига йўналтирилган. Тадбиркор яқин кунларда ишга тушадиган тикув цехида 150 нафар хотин-қиз иш билан таъминланишини айтиб ўтди.

Ишчи гуруҳ аъзоларининг кейинги манзили — Нукус тумани марказидаги кўп тармоқли поликлиника бўлди. Ҳозирги кунда поликлиника 17600 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Аҳолининг 60 фоизи электрон рўйхатга олинган ва бу ишлар давом этмоқда. Ўрганишлар жараёнида шифокор ва ҳамширалар ҳамда ушбу муассасага келган аҳоли вакиллари билан ҳам суҳбатлашилди.

Халқ вакиллари тумандаги бошқа ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш субъектлари ва маҳаллаларда бўлиб, аҳоли билан юзма-юз учрашди. Мулоқотларда аҳолини янги қабул қилинаётган қонун, қарор ва фармонлар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти ҳақида хабардор қилишга ҳам эътибор қаратилди.

Ишчи гуруҳ аъзоларининг аҳоли билан мулоқотлари ҳудудда мавжуд бир қатор масалаларнинг қонуний ҳал этилишида амалий аҳамият касб этди. Хусусан, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш учун тегишли кўмакларни жалб қилиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Ҳудудлардаги ўрганишлар давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ЁШЛАРИМИЗНИНГ ҲАЁТДА, ЖАМИЯТДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПИШИГА ҚАРАТИЛГАН

*Мамлакатимиз тарихининг янги даврида таълимга эътибор давлат сиёсатининг бош стратегияларидан бирига айланди. Жамият тараққиётини таъминлашнинг кафолати бўлмиш инсон капиталини бойитиш, янги замонавий мазмун билан тўйинтириш зарурати олий таълим тизими ривожланишига мутлақ ўзгача туртки берди.*

## Қарор ва ижро

Бу борада ёшларни олий таълимга қамраб олиш даражасини ошира бориш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида эҳтиёж юқори бўлган мутахассисликлар бўйича етук кадрлар тайёрлашни таъминлаш, олий таълимнинг ўқув режа ҳамда дастурларини хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқиш, жараёнга янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш бўйича кўламдор чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлаш лозим.

Президентимизнинг 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ислоҳотларни янгича мазмун билан бойитди. Ушбу ҳужжатда йигит-қизларнинг олий таълим имкониятларини янада кенгайтириш, ўқув даргоҳлари орасида соғлом рақобатни кучайтириш, карантин шароитида олий ўқув юртларига абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ва кириш имтиҳонларини лозим даражада ўтказиш борасида бир қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Коронавирус пандемияси шароитида абитуриентларга қулайликлар яратиш масаласи бу борадаги эътиборга молик жиҳатлардан биридир. Жумладан, жорий ўқув йилида кириш тест синовлари иккита мутахассислик фанидан ўтказилиши, абитуриентларга тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси ҳамда фанлар кетма-кетлиги бир хил бўлган бештагача бакалавриат таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этиш ҳуқуқи берилиши ушбу қарорнинг халқимиз, хусусан, ёшларимиз манфаатини кўзлаб қабул қилинганлигини кўрсатади.

Энди икки оғиз кейинги йилларда олий таълим муассасаларига қабул параметрлари изчил ошириб борилаётгани хусусида. Қуйидаги жадвалда келтирилган рақамлардан буни қиёслаб англаб олиш мумкин:

| Таълим босқичи ва шакли | 2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари | 2020/2021 ўқув йили учун қабул параметрлари | Фарқ |
|---|---|---|---|
| Бакалавр, кундузги | 80 430 | 103 575 | 23 145 |
| Бакалавр, сиртқи | 19 985 | 31 350 | 11 365 |
| Бакалавр, кечки | 1 985 | 5 024 | 3 039 |
| Магистратура | 7 695 | 10 425 | 2 730 |
| **Жами:** | **110 095** | **150 374** | **40 279** |

Барчамизга маълумки, мамлакатимизда фарзандларимизнинг ўқишга кириши учун кўплаб имтиёзлар жорий этилган. Давлат мукофоти совриндорлари, халқаро санъат ва спорт мусобақалари ғолиблари кириш имтиҳонлари ёки тест синовларисиз қабул қилинади.

Кейинги йилларда бу жиҳатдан ҳам ижобий ўсиш кузатиляпти. Жумладан, аҳолининг маълум қатламларига мансуб вакилларини имтиёзлар асосида ўқишга қабул қилиш кўрсаткичлари муттасил кенгайтирилмоқда. Қуйидаги жадвалда бу борадаги ўзгаришлар яққол акс этган:

| Имтиёз бериладиган тоифалар | 2019 йил | 2020 йил | Фарқ |
|---|---|---|---|
| Ногиронлиги бўлган шахслар учун | 2068 | 2799 | +35% |
| Ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлганлар учун | 928 | 1175 | +27% |
| Қуролли Кучлар таркибига кирувчи идоралар ходимларининг фарзандлари учун | 928 | 1175 | +27% |
| Ички ишлар органлари амалдаги ходимлари фарзандлари учун | 551 | 705 | +28% |
| Меҳрибонлик уйи ва болалар шаҳарчасининг битирувчилари бўлган чин етимлар учун | 1035 | 1400 | +35% |
| Хотин-қизлар учун | Муқаддам бу каби имтиёз бўлмаган | 940 | |
| Фарғона вилоятининг Сўх тумани ёшлари учун | Муқаддам бу каби имтиёз бўлмаган | 500 | |
| Ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органлари ходимларининг фарзандларига ижодий имтиҳонлар мавжуд таълим йўналишларига киришда тавсияномадан фойдаланиш | Муқаддам бу каби имтиёз бўлмаган | Мавжуд | |

Мазкур қарорда, 2020/2021 ўқув йили қабулидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг тавсияномасига эга бўлган хотин-қизлар учун бакалавриатнинг кундузги таълим шакли бўйича умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан қўшимча тўрт фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари ажратилиши алоҳида белгиланган. Бу масаланинг Президент қарори даражасида ҳуқуқий мустаҳкамланиши юртимизда хотин-қизларимизга бўлган амалдаги меҳрибонлик, ҳурмат ҳамда эҳтиромнинг ёрқин намунаси, десак, адашмаган бўламиз.

Шунингдек, ушбу қарор билан Фарғона вилоятининг Сўх тумани ёшлари учун давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш учун 500 та қабул квотасининг ажратилиши ҳам ёшларга бўлган ғамхўрликнинг яна бир ифодасидир.

Мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашда аграр соҳанинг ўрни беқиёс. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур қарор билан Самарқанд давлат университети қабул кўрсаткичларида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Агрокимё ва агротупроқшунослик, Ўсимликларни ҳимоя қилиш (экин турлари бўйича), Мевачилик ва узумчилик, Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик, Иссиқхона хўжалигини ташкил этиш ва юритиш каби янги таълим йўналишлари очилди. Ушбу таълим йўналишлари ва уларга турдош бўлган бошқа таълим йўналишлари негизида агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги факультети ташкил этилди. Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 29 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида тузилган Самарқанд давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига қабул параметрлари белгиланди. Бугунги кунда ушбу факультетлар жамоалари янги ўқув йилига қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Имом Бухорий бобомиз ўз китобларида келтирган муборак ҳадисда айтилганидек, "Барча амаллар ниятга қараб бўлади". Дарҳақиқат, пок ниятлар билан экилган ниҳоллар чуқур илдиз отиб, юксакка бўй чўзади. Мамлакатимизда таълим тизимини дунё андозалари асосида ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида ёшларимиз ҳаётда, жамиятда ўз ўрнини топади.

**Рустам ХОЛМУРОДОВ,**
**Самарқанд давлат университети ректори,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлиси олдидан

# ЭНЕРГИЯДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

*Аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишда энергетика алоҳида ўрин тутади. Шу боис ушбу соҳани ривожлантириш, унга замонавий тежамкор технологияларни жорий этиш масаласи давлатимизнинг доимий диққат марказида. Қувват манбаларидан оқилона фойдаланиш меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, тегишли харажатларни камайтиришга хизмат қилади.*

Халқаро энергетика агентлиги маълумотига кўра, жаҳондаги аксарият мамлакатларда онгли равишда энергияни тежаш сиёсати кейинги 20 йил мобайнида изчил амалга ошириб келинмоқда. Агар шундай қилинмаганда, дунё бўйича энергия истеъмоли ҳозиргидан 50 фоиз кўп бўлиб, оқибатда глобал миқёсда уддалаш қийин бўлган муаммолар юзага келар эди.

Ўзбекистонда ҳам кейинги йилларда ушбу йўналишда салмоқли ишлар олиб бориляпти. Хусусан, Президентимизнинг "Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунни такомиллаштиришга асос бўлди.

Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун энергетика тармоқларида ҳосил қилинаётган электр ва иссиқлик энергияси, ёқилғи ва бошқа ноанъанавий энергия ресурсларидан иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳада янада оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган. Энергия ресурслари истеъмоли самарадорлигини ва замонавий энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш хизматлари кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳам мазкур ҳужжатда ўз ифодасини топган.

Давлат назорати органларининг энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасида ҳужжатлар тайёрланишида иштирок этиши, биноларни энергия тежамкор лойиҳалаштириш, таъмирлаш жараёнини назорат қилиши ҳам шу қонун билан белгиланмоқда. Тежамкор лампаларни мажбурий ўрнатишни назорат қилиш ҳамда энергетика ресурсларидан самарасиз фойдаланганлик учун масъулларга чоралар қўллаш ҳам назарда тутилаётир.

Қонунда янгилик сифатида энергия самарадорлик кўрсаткичларига товарлар мувофиқлиги бўйича мажбурий сертификатланиши тўғрисидаги норма белгиланмоқда. Мутасаддиларга энергия самарадорлигини ошириш ва ресурсларни тежаш кўрсаткичларини аниқлаш методикасини ҳамда мақсадли кўрсаткичларини тасдиқлаш, энергиядан оқилона фойдаланиш ва самарадорлигини ошириш юзасидан қонунчилик талабларига риоя этилиши бўйича давлат назорати тартибини белгилаш вазифалари юклатилмоқда.

Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қонунда таклиф этилаётган нормалар энергия харажатларини оптималлаштиришга, энергия истеъмоли самарадорлигининг тизимли мониторингини амалга оширишга, истеъмол қилинаётган энергия ресурслари ҳажмини камайтиришга ва бу орқали бюджетга тушумларни кўпайтиришга ҳамда аҳолининг реал даромадларини оширишга хизмат қилади.

**Одилжон ИМИНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.**

## Мулоҳаза

*Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 20 май куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонига ташриф буюрганида устоз адиблар ижодини чуқур ўрганиш, уларнинг ибратли умр йўллари ҳақида китоблар ва фильмлар яратиш, янги асарлар ёзиш муҳимлигини таъкидлади. Хиёбонни адабиёт, маърифат ҳамда маданият масканига айлантириш, бу ерда талаба-ёшлар учун очиқ дарслар, маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича тавсиялар берди.*

# АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ҲАЁТИ

## ЁШЛАР ҚАЛБИДАН ЯНАДА ЧУҚУР ЖОЙ ОЛАДИ

Ана шу кўрсатмалардан келиб чиқиб, халқимизнинг улуғ адиби Абдулла Қаҳҳор ижоди ва фаолиятини Тошкент молия институти талабалари ўртасида ҳам кенг тарғиб этиш белгилаб олинди. Шу мақсадда таълим муассасамизда атоқли ўзбек адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти, ижоди ва адабий меросини ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш бўйича "Йўл харитаси" қабул қилинди. Унга кўра, улуғ адибнинг ижоди ва фаолиятига бағишланган мавзулар фан дастурларига киритилиб, уларни талабаларнинг дарс машғулотлари ҳамда мустақил таълим асосида ўзлаштиришларига кенг шароитлар яратилди.

Институт профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлари иштирокида Адиблар хиёбонида ёзувчи ёдгорлиги пойида карантин талабларига амал қилган ҳолда қатор тадбирлар, учрашувлар, суҳбатлар, китобхонлик кечалари ташкил этилмоқда. Ушбу тадбирларни таниқли ижодкорлар, адабиётшунослар иштирокида ўтказиш бўйича Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан келишувга эришилган.

Учрашувларда ардоқли адибнинг "Сароб", "Қўшчинор чироқлари" романларидан тортиб юзга яқин ҳикоялари, "Олтин юлдуз", "Синчалак", "Муҳаббат", "Зилзила" каби қиссаларию гўзал таржималари халқимиз қалбидан чуқур ўрин олгани эътироф этилмоқда. Ёзувчи-шоирлар, қаҳҳоршунос-олимлар талабаларга Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти, оддий инсон, ижодкор сифатидаги фазилатлари, маҳорати, сўз бойлиги, асарларида илгари сурилган ғоялар, қаҳрамонларининг ўзига хослиги ҳақида сўзлаб бермоқда.

Улуғ адибнинг халқпарварлиги, ватанпарварлиги, мураккаб даврда яшаган бўлишига қарамай, тараққиётга тўсиқ бўлаётган муаммоларни, муҳим ижтимоий масалаларни қўрқмасдан танқид остига олганлиги, жамиятда илдиз отган ёлғончилик, лаганбардорлик, порахўрлик каби иллатларни ҳажвий бўёқларда тасвирлаб, уларга жамоатчилик эътиборини қаратгани, ўз навбатида, халқимизга хос олижаноб фазилатларни реалистик руҳда акс эттиргани ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда.



Айниқса, ижодкорнинг ўзбек адабий тили ривожига катта ҳисса қўшгани талабаларни ғоят таъсирлантиряпти. Суҳбатларда кўпчилик йигит-қизлар Абдулла Қаҳҳорнинг илмий-оммабоп, публицистик мақолаларини излаб-топиб ўқиётгани ойдинлашмоқда.

Яқинда таълим даргоҳимизда адиб ҳаёти ва фаолияти ҳамда асарларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган "Эл севган адиб" мавзуида иншолар танлови ўтказилди. Қувонарлиси, 180 дан ортиқ талабаларнинг ёзган иншоларида Абдулла Қаҳҳор асарларининг мазмун-моҳияти чуқур таҳлил қилинган, шу билан бирга, ёшлар ўзининг кенг дунёқарашини, ижодкорлик салоҳиятини, давр воқеаларини ўз нуқтаи назаридан баҳолаш кўникмасини намоён эта олган.

Малакали мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати ижодий ишларни муаллифнинг ўзига хос ижодкорлик даражаси, мавзунинг мазмун-моҳиятини тўлақонли очиб берганлиги, ижодий ишларнинг услубий ва грамматик жиҳатдан тўғри ёзилганлиги, таҳлилий ёндашувлар, мустақил фикрларнинг аниқ билдирилганлигига кўра баҳолади. Натижада Мафтуна Жамилова, Лобар Илҳомова, Хусния Ваҳобованинг иншолари ғолибликка лойиқ кўрилди.

Адиб ҳаёти ва ижодини ўрганиш, талаба-ёшлар ўртасида тарғиб этиш бўйича режаларимиз ҳали кўп. Жумладан, яқинда институтимиз Ахборот-ресурс базаси қошида Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ҳамда ижодини акс эттирувчи алоҳида Адабиёт илмий маркази ва аудитория ташкил қиламиз. Ушбу марказда Абдулла Қаҳҳор билан бирга, бошқа ўзбек адабиёти намояндалари ҳаёти, ижоди, яратган бадиий асарларини доимий равишда ўрганиш мақсадида адабиёт тўгараги очилади. Ёзувчи уй-музейига, у яшаб ўтган ва ижод қилган тарихий масканларга профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг саёҳатлари мунтазам уюштирилади. Адиб асарлари мутолааси бўйича талабалар, лицей ва мактаб ўқувчилари ҳамда маҳалла ёшлари орасида "Ёш китобхон" ва иншолар танловлари, турли мусобақа, фестиваллар ўтказиш анъана тусини олади.

Абдулла Қаҳҳор номидаги институт стипендиясининг таъсис этилиши, ҳар бир факультетда ўзбек адиблари яратган асарларни саҳналаштирувчи труппаларининг тузилиши ёшларнинг бадиий диди, билим ва қобилиятини юксалтириб қолмай, уларни адабиёт ва санъатга рағбатлантиришга ҳам хизмат қилади.

Ёзувчи асарларининг рақамли платформага ўтказилиши, уларнинг электрон каталоги яратилиши, адиб ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи интерактив 3D форматдаги виртуал роликлар тайёрланиши, интерфаол музей ташкил этилиши эса ёшларни масофавий шаклда ҳам ушбу эзгу мақсадлар йўлида кенг қамраб олиш имкониятини яратади.

**Нишонбой ҲУСАНОВ,**
**Тошкент молия институти «Ўзбек ва хорижий тиллар» кафедраси мудири,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

# ЕТТБ: «Ипотека-банк» – Ўзбекистондаги энг фаол эмитент молия муассасаси

*Савдони молиялаштириш валюта хизмат тури — кредит-молия ташкилотлари маблағлари эвазига молиялаштириш тури бўлиб, қатор афзалликларга эгалиги билан муҳим аҳамият касб этади. Яъни бунда пул маблағлари тежамкорлиги, чет эл банклари ресурсларини жалб қилиш ҳисобига паст фоиз ставкаларида кредит олишнинг имконияти мавжудлиги, кредит линиялари бўйича кредит муддати ва фоизлари ҳар бир мижоз учун алоҳида белгиланиши каби омиллар юртимиз тадбиркорларига ривожланишнинг янги эшикларини очмоқда.*




## Эътироф

**Жорий йилнинг 4 июнь куни Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) "Савдони ривожлантиришга кўмаклашиш дастури" (TFP — Trade Facilitation Programme) доирасидаги нуфузли анъанавий мукофот ғолибларини эълон қилди. Унга кўра, "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки "Ўзбекистондаги энг фаол эмитент банк" номинациясида ғолибликни қўлга киритди. Мазкур мукофот билан ЕТТБ "Ипотека-банк"нинг халқаро савдони молиялаштиришдаги алоҳида ютуқларини эътироф этди ва савдо-сотиқни молиялаштириш соҳасида банк фаоллигини алоҳида таъкидлаб, кўрсатилаётган хизматлар сифатини юқори баҳолади.**

Айтиш керакки, "Ипотека-банк" АТИБ ҳам бу борада нисбатан қисқа вақт ичида ўз мижозларига кўплаб имкониятлар тақдим этиб, савдони молиялаштириш соҳасида Ўзбекистон бозорида етакчи ўринларни эгаллашга муваффақ бўлди. Бунда савдони молиялаштириш тадбиркорликнинг иқтисодий ўсишига муҳим ҳисса қўшиши инобатга олинган ҳолда, бу йўналишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, ушбу соҳани ривожлантириш, айниқса, ҳозирги синовли даврда жуда муҳим.

Савдони молиялаштиришда қўлланиладиган воситалар хўжалик юритувчи субъектлар, яъни банк мижозларининг ташқи иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлашда самарали ечимларни таклиф қилади. "Ипотека-банк" АТИБ учун 2019 йил бу борада жуда муваффақиятли кечди. Яъни бир қатор йирик лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Ушбу кўрсаткичлар халқаро нуфузли ташкилотлар томонидан ҳам юксак эътироф этилди.

Банк жорий йилда ҳам савдони молиялаштиришга қўшимча лимит доирасида ўз мижозларининг янада кўпроқ лойиҳаларини амалга оширишни ва бу соҳада Ўзбекистон бозорида етакчи мавқени сақлаб қолиши учун барча имкониятга эга.

Бу йилги "Савдони ривожлантиришга кўмаклашиш дастури" доирасидаги мукофотнинг 30 та номинациясида дунёнинг 27 мамлакатидан кредит-молия муассасалари кўрсатилди. Мазкур мукофот 2019 йил давомида ЕТТБнинг молиялаштириш хизматларини энг фаол тақдим этган муваффақиятли эмитент ва тасдиқловчи банкларга берилди.

ЕТТБнинг молиявий институтлар бўйича бошқарувчи директори Франсис Малижнинг таъкидлашича, савдони молиялаштириш — ЕТТБ иштирок этадиган барча минтақада иқтисодий тараққиёт ва ўсиш суръатлари калити. Ҳамкор банкларга молиявий маблағ тақдим қилиш орқали компанияларга янги бозорларни аниқлаш, ўрганиш ҳамда забт этиш учун имконият яратиб, ушбу мақсадга эришишга ёрдам беради.

Мукофот ғолибларини тақдирлаш маросими шу йилнинг май ойида Лондонда ЕТТБнинг йиллик йиғилиши ва бизнес форуми доирасида ўтказилиши режалаштирилган эди. Аммо мазкур тадбир COVID-19 пандемияси туфайли бекор қилинди.

"Ипотека-банк" АТИБ — республикамизнинг барча ҳудудида кенг фаолият юритувчи ва замонавий банк хизматларини кўрсатувчи энг йирик банклардан ҳисобланади. Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш доим банк фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлган. Ҳозирги кунда дунё бўйича 30 дан ортиқ молия институтлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани натижасида банк ўз мижозларига савдони молиялаштириш соҳасида ҳам тўлиқ хизматларни тақдим этиш имкониятига эга.

ЕТТБнинг "Савдони ривожлантиришга кўмаклашиш дастури" 1999 йилдан йўлга қўйилган бўлиб, у ЕТТБ сармоя киритадиган мамлакатлар ўртасида ташқи савдони ривожлантиришга қаратилган. Дастур доирасида ЕТТБ халқаро тасдиқловчи банкларга кафолатлар ҳамда кейинчалик экспорт ва импорт фаолияти билан шуғулланувчи маҳаллий корхоналар ҳамда дистрибютерларга кредит бериш учун айрим банклар ва факторинг компанияларига қисқа муддатли кредитлар тақдим этади. Айни пайтда ушбу дастур умумий миқдори 5 млрд. евродан ошадиган лимит билан 30 та давлатда 120 та эмитент банкни ҳамда дунё бўйича 800 дан зиёд тасдиқловчи банкларни ўз ичига олган.

**Банк матбуот хизмати.**

Реклама ўрнида

*Хизматлар лицензияланган.*

# «Туронбанк» мижози экспорт қилган гиламлар

## 200 минг АҚШ долларига тенг бўлди

*Тинч ва осойишта юртда ҳаёт кечириш, ҳуррият тақдим этган буюк неъматларга шукроналик келтириб, эртанги кун учун тиним билмай меҳнат қилиш энг олий саодат. Зеро, унинг замирида ҳар қандай соҳа тараққий топиб, одамларнинг турмуш тарзи ўзгаради, яшашга, янгилик яратишга бўлган интилиш ҳар қачонгидан кўпроқ ошади. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, бугун юртдошларимиз мана шу мезон асосида яшаб, меҳнат қилмоқда.*

## Имконият



Бунга янги қиёфага кириб бораётган водий замини, аниқроғи, Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрини мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Сайёҳларнинг севимли манзилига айланган ушбу диёр ўзининг баҳаво масканлари, меҳмондўст халқи билан ном қозонган. Чунки ушбу ҳудуд қадимдан ҳунармандчилик ривожланган маданий марказлардан бири бўлган.

Бу ерда халқ амалий санъатининг турли йўналишлари юксак даражада тараққий этган. "Устоз — шогирд" анъаналари, оилавий сулолаларнинг кўплиги эса унинг сир-асрорларини аждодлардан авлодларга етказиб келмоқда.

Айниқса, ушбу йўналишда ўз бизнесини йўлга қўйиб, мамлакат иқтисодиёти ривожига сезиларли ҳисса қўшаётган тадбиркорлар сафининг кўпаяётгани эса иш ўринлари яратилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йилда қабул қилган "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида ҳам айни шу жиҳатлар тилга олиниб, минг йилларки жаҳон ҳамжамиятини лол қолдириб келаётган қўл меҳнати миллий маҳсулотлари бозорини тараққий эттириш бўйича вазифалар белгиланган эди.

Хусусан, ушбу ҳужжатда ҳунармандчилик субъектларига давлат рўйхатидан ўтишда кўмаклашиш, уларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, уларни асбоб-ускуналар, жиҳозлар, хом ашё ва материаллар билан узлуксиз таъминлаш, уларга имтиёзли кредитлар бериш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

1982 йилдан буён ўзбек миллий ҳунармандчилигининг ипак матолари, хусусан, адрас, атлас, абрли бўз орқали гиламчилик ва касаначилик йўналишида фаолият юритиб келаётган "Ёдгорлик" масъулияти чекланган жамияти давлатимиз яратиб берган шароитдан унумли фойдаланиб келаётган корхоналардан.

Ҳар йили бу ерга жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан минглаб сайёҳлар ташриф буюриб, ўзбек ҳунармандчилигининг ноёб намуналарини ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишаётир. Бу хорижий сайёҳларни нодир санъат намуналари билан яқинроқ таништиришда, халқимизнинг бой бадиий тафаккури, миллий ҳунармандчилигимизнинг ўзига хос жиҳатларини кенг тарғиб қилишда муҳим аҳамиятга эга.



Айтиш жоизки, ҳунармандлик аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган миллий қадриятларимизнинг ўзига хос кўринишидир. Айни пайтда корхонада Муҳаммаджон Мамадалиев, Шавкат Мамадалиев, Маҳмуджон Эгамбердиев, Ҳалимжон Зокиров каби бир неча ҳунармандлар сулоласи вакиллари фаолият юритишади. Ушбу бренд асосчиси Аъзамхон Абдуллаев ҳам гиламдўзлик бўйича учинчи сулола вакили ҳисобланади.

— Гўё бир дарёнинг икки қирғоғи бўлмиш Шарқ билан Ғарб санъати доимо бир-бировидан фарқ қилиб келган, — дейди "Ёдгорлик" МЧЖ раҳбари Аъзамхон Абдуллаев. — Айниқса, ҳунармандчиликнинг каштачилик, миллий ўйинчоқ ва мусиқа асбоблари ясаш, кулоллик, ёғоч ўймакорлиги, гиламдўзлик каби қўл меҳнати мўъжизалари хорижликларни лол қолдириб келган. Ушбу дурдона маҳсулотларни тайёрлашда эса неча минг йилларки, Ўзбекистон усталарига тенг келадигани топилмаган. Сабаби юртимиз дунё мамлакатлари ичида халқ амалий санъатининг энг қадимий турлари, ўзига хос услуб ва мактабларини сақлаб қолган ягона диёрдир.




Биз ҳам ота-боболаримизнинг мерosларини муносиб давом эттирмоқдамиз. Бу йўлда эса бизга "Туронбанк" АТБ яқиндан ёрдам беряпти. Мисол учун, "Ёдгорлик" МЧЖ айнан гиламчилик билан 15 йилдан буён шуғулланади. Молия муассасасининг 500 миллион сўмлик кредити эвазига биз қўшимча 80 та дастгоҳ ўрнатдик ва 85 та иш ўрни яратдик. Натижада маҳсулотларимизнинг тури ва ҳажми бир неча баробар ошди. Хусусан, жун ва ипакдан айни вақтда "Истанбул", "Орзу", "Сарманчи", "Тоғ чечаги", "Раққоса" сингари 100 дан зиёд нусхаларда гиламлар тўқилмоқда. "Туронбанк" АТБ кўмагида яратилган шароит натижасида ўтган 2019 йилда Россия, Германия, Туркия, Франция, Италия, Аргентина сингари мамлакатларга 200 минг АҚШ долларига тенг гиламлар экспорт қилинди. Ички бозорга эса 4 миллиард сўмлик маҳсулотлар етказиб берилди. Келгусида банк билан ҳамкорликни мустаҳкамлаган ҳолда, янги меҳмонхона ва туризм ўқув марказини ишга тушириш ниятидамиз.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, корхонада тайёрланадиган гиламлар учун ўзимизнинг табиий ипак ва бўёқлардан фойдаланилади. Бу эса унинг чидамлилиги ва бетакрор гўзаллигини узоқ йиллар намойиш эта олади. Маълумотларга қараганда, битта гилам тўқиш учун 3 ойдан 12 ойгача вақт талаб этилар экан. Корхона эса бир йилда 130 — 150 тагача гилам тайёрлаш қувватига эга.

Гиламдўзлик ўзбек халқининг турмуш тарзи ва ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис ушбу маҳсулотлар ўзига хос нақшлари, ранго-ранг жилоланиши билан ҳар қандай харидорни ўзига мафтун этади. Гиламлардаги ҳар бир нақш ва гуллар ҳам ўзининг мантиқий маъноларига эга. Масалан, гилам марказидаги катта гул оилани, атрофидаги чирмашган безаклар — оиланинг ҳамжиҳатлиги, тотувлигини, майда гуллар эса халқимизнинг болажонлигини англатади. Қалампир, анор нусхалар ҳам ўзига хос маъно-мазмунни ифодалайди. Бундан кўринадики, оиланинг миллатимизда ҳамма замонда қадрли, муқаддас маскан сифатида ардоқланиши гиламларда ҳам ўз ифодасини топган.

Қисқача айтганда, Марғилон шаҳридаги "Ёдгорлик" масъулияти чекланган жамияти маҳсулотлари ўзининг бетакрорлиги ва юқори сифати билан дунёда ҳам довруқ қозонмоқда.

**Банк ахборот хизмати.**

Реклама ўрнида

*Хизматлар лицензияланган.*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 44 487 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.35 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6